



ЖОНИВОРЛАР ОРАСИДА ИТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги
Божхона қўмитаси Божхона институти “Иқтисодий ва ижтимоий фанлар”
кафедраси доценти, (PhD), божхона хизмати полковниги Каримжонова
Мунаввар Ибрагимовна, телефон рақами: (90) 829-46-91**

Аннотация: Ушбу мақолада итларнинг ҳозирги кунда инсон ҳаётида тутган ўрни, итларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг бошқа ҳайвонларга нисбатан инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлар: Итлар ҳаёти, итларнинг келиб чиқиши, итлар тарихи, ит зотлари, итлар эволюцияси, итларни кўлга ўргатиш, кинология фаолияти, замонавий кинология соҳасининг роли.

КИРИШ

Дунё эволюциясига назар ташлайдиган бўлсак, ит — ҳайвонлар орасида одам учун энг содиқ жонивор ҳисобланганига амин бўламиз. Таъкидлаш жоизки, Ж.Кьювенинг фикрига кўра итлар инсоният учун энг ноёб, фойдали ва ўта мукамал топилмалардан биридир. Инсоният эволюцияси ва одамларнинг қадимги тураржой манзилларини ўрганиш жараёнида археологлар томонидан топилган қазилмалардаги ҳайвонлар қолдиқлари ҳамда тош деворларга ўйиб ишланган расмларга асосланган ҳолда одамлар ғорларда яшаб, овчилик билан шуғулланган даврлардаёқ ҳайвонлар билан ўзаро яқин муносабатда бўлганлигини амин бўламиз.

Инсон итларнинг ўта зехнлилиги, ҳидларни ўткир сезиши, яхши кўриши, эшитиши, тез чопиши ва чидамлилигини олдиндан сезиб, уларни бошқа ҳайвонларга нисбатан ўзига яқинлаштирган. Одам ва ҳайвонларнинг симбиози, яъни бир-бирига фойдаси тегишига асосланган ўзаро яқинлашув даврида ҳайвонлардан фақат хўжалик ва чорва мақсадларида фойдаланилган. Яъни қадимий одамлар ҳайвонларни жисмоний ишларни бажариш ҳамда жун, сут, гўшт, тери каби маҳсулотлар олишда фойдаланиш мақсадида кўпайтирган ва парваришлаган.

ТАҲЛИЛ ВА МУҲОКАМАЛАР

Ит (лотинча: Санис фамилиарис- *Canis familiaris*) — бўрисимонлар оиласига мансуб ҳамма мамлакатларда тарқалган уй ҳайвони ҳисобланади. Ит зотларининг пайдо бўлиши милоддан аввалги 15— 10 минг йил аввал ёввойи аждоди бўрилар



билан чатиши натижасида хонакилаштирилган. Итларнинг ҳид билиш, эшитиш ва кўриш органлари, шунингдек, мияси яхши ривожланган. Итларда 42 тиш бўлиб, қозик тиши ниҳоятда мустаҳкам. Урғочиси 7—8 ойда, еркаги 10—12 ойда жинсий вояга етади, эркак ит арлон деб аталади, урғочилари йилига икки марта кукжади. Бўғозлик даври 58—65 кун. 1—2 тадан 12—18 тагача кўпаяди.

Итнинг янги туғилган боласи кучук дейилади ва улар кўр, кар, тишсиз туғилади. Кўзи 10—14 кундан кейин очилади, 5—8 кундан кейин кулоклари эшита бошлайди, сут тишлари 20—30 кунда чиқа бошлайди. Онасини 1—1,5 ой эмади, сўнгра бошқа ит болаларини бошқа озукалар билан озиқлантириш мумкин бўлади.



Итлар 12—15 йил, баъзи зотлари 17 йилгача яшайди. Итларнинг бўйи 16—18 см дан 100 см гача, вазни 600 г дан 90 кг гача боради. Уй итлари ёввойилашиши ҳам мумкин. Итларнинг ёввойи ҳолда яшайдиган ягона тури динго ити, асосан, Австралияда тарқалган (Курил оролларида ёввойилашган хонаки итлар учрайди). Жаҳонда бугунги кунда итларнинг 400 дан ортиқ зоти аниқланган.[1] Итларнинг тузилиши ва қайси мақсадда фойдаланишга қараб уларни асосан қуйидаги 3 та гуруҳга бўлиб ўрганилади (1-расм).

Бугунги кунда кинология соҳасида итларни қуйидаги гуруҳларга таснифи асосида ўрганилган ва уларни ушбу йўналишлар бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ўргатиб келинмоқда.



Декоратив итлар



Овчи итлар



Хизмат итлари

1-расм. Итларнинг гуруҳлар бўйича таснифи¹⁶

¹⁶Ф.Қаҳҳаров, Н.Морару ва бошқалар “Кинология асослари”. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2016.



Хизмат итлари кўриқчилик ва махсус хизматлар (ҳарбий, қидирув, қоровуллик)ни бажаради. Улар бойлоқ, бўш ёки алоҳида катакларда (хоналарда) боқилади. Уларнинг зотлари кўп. Масалан, овчаркалар, доберман-пинчер, боксёр, ерделйер, кора терйер, дог, сенбернар, ньюфаунленд. Бу турдаги итлар бўйчан, шароитларга бардошли, одам буйруқларига ва машқларга тез ўрганади. Улар жанг майдонларида ярадорларни қидириб топиш ва олиб чиқиш, алоқа ишлари, миналарни, наркотик моддаларни топиш каби ноёб ишларни бажаришга қодир. Ўзбекистонда хизмат итларидан Шарқий Европа овчаркалари кенг тарқалган. Инсон учун энг яқин ёрдамчи итлар чўпон итлари ҳисобланади. Бундай итлардан бўрибосар, Кавказ, мўгул, шотланд овчаркалари чорва подаларини бўрилардан кўриқлаш, поданинг тарқалиб кетишига йўл қўймайдиган "подачилик" вазифаларини бажаради. Улар 10—12 итлар қўшилган чанада 400—500 кг юкни бир суткада 80—100 км масофага етказиши мумкин.

Овчи итлар гуруҳига мансуб 100 дан ортиқ зот мавжуд: този, лайча, сеттер, пойнтер, лайка, исковуч. Булар ёввойи ҳайвон ва паррандаларни топиб, овчиларга ёрдамлашади. Овчи итлар билан спорт мусобақалари ҳам ўтказилади. Уйда асраладиган декоратив итлардан узун жунли бароқ итлар, жингалак жун бароқ итлар, балонка, пакана зотли терер, пудел, шпиц, пекин ва япон итлари, мопэллар кенг тарқалган. Улар деярли хўжалик аҳамиятига эга эмас ва уларни фақат ит ишқибозлари урчилади ва боқади.

Таъкидлаш жоизки, одамлар итларни бир неча минг йиллар аввал хонакилаштирганлар ва ўша даврдан бери бу мавжудотлар бизнинг вафодор дўстларимизга айланган. Уларнинг бошқа ҳайвонларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари жумладан, бошқа жонзотларга нисбатан ақллиги, тез ўрганувчан, буйруқларни бажаришга қодир ва инсон ҳаётининг барча жабҳаларида жуда фойдали шериклар бўлиб қолиши билан фарқланади. дилар. Шунингдек, инсонларга энг содиқ дўст сифатидаги қуйидаги айрим баъзи хусусиятлари ҳам мавжудлиги билан фарқланади.

Фикрлаш

Итлар 200 дан 500 гача сўз ва ҳаракат-буйруқларини еслаб қолишлари мумкин. Бешгача санашлари мумкин. Уларнинг интеллектуал ривожланиши икки ёшли боланинг даражасига тўғри келади ва энг ақлли итлар беш ёшли болалар каби фикрлашади.

Кўриш



Итлар 250-270 кўриш даражасига, инсон еса 180 кўриш даражасига ега. Кўриш идрокда ит ҳаракатга еътибор беради: 300 метр масофада у ҳараказиз турган одамни сезмайди, агар у қўллари билан ҳаракатланса 1,5 км масофада ҳам кўради. Итлардаги ранглар ҳисси ривожланмаган, улар сариқ ва мовийни фарқ қилади, лекин қизил ва яшил рангларни емас. Шунинг учун итлар уй эгасини светофор нурига емас, балки транспорт оқимиға йўналтирилган йўл бўйлаб ўтказади.

Ешитиш

Итлар ёмғирни ёқтирмаслиги учун яширинишмайди, балки ёмғирнинг овози сезгир қулоқларига зарар етказиши мумкин. Уларнинг ешитишлари биздан кўра нозикроқ: 35 kHz, инсонларники 20 kHz, ва қулоқ ултратовушни ушлайди. Итлар классик мусиқани севишади, поп-мусиқаға бефарқ ва рокс товушларидан асабланишади.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотларждан кўриниб турибдики, дарҳақиқат дунё эволюциясига назар ташлайдиган бўлсак, ит – ҳайвонлар орасида одам учун энг содик жонивор бўлиб, ўта зеҳнлилиги, ҳидларни ўтқир сезиши, яхши кўриши, эшитиши, тез чопиши ва чидамлилиги билан уларни инсонлар бошқа ҳайвонларга нисбатан ўзига яқинлаштирган.

Буни биргина мисолда жорий йилнинг 6 феврал кунида Туркия давлатидаги ер силкиниши оқибатида дунёнинг бир нечта мамлакатларидан қидирув-қутқарув гуруҳлари томонидан ушбу йўналишга ўргатилган хизмат итларидан инсонларни қутқаришда фойдаланилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган Ўзбекистон қидирув-қутқарув гуруҳида жами 5 та ит билан қидирув-қутқарув ишлари олиб борилди. Туркияда вайрон бўлган уйлар остидан одамларни қутқаришда Ўзбекистондан келган махсус ўргатилган итлар муҳим рол ўйнади ва улар томонидан 18 нафар инсонлар вайроналар остидан қутқариб олинди.

Буни қарангки, итларнинг инсонлар ҳаётидаги ўрни шунчалик юқорилигидан, тарихда илк бор итга жамиятга қўшган ҳиссалари учун орден берилди. Буюк Британияда спрингер-спаниель зотига мансуб Макс исмли ит "Хизматлари учун" орденини олган биринчи уй ҳайвони бўлди. Бу ҳақда "Sky News" телеканали маълум қилган. Манбага кўра, 13 ёшли ит жамиятга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Таъкидланишича, ит дунёда ҳаётидаги қийин дақиқаларни бошдан кечирган ва кечираётган минглаб одамларга ёрдам берган ва бериб келмоқда. Мисол тариқасида, Макснинг эгаси, 46 ёшли Керри Ирвинг бахтсиз ҳодиса натижасида юролмай қолган ва қаттиқ тушкунликка тушган. Макс эса унга ёрдам бериб, яшашига умид уйғотган.



Демак хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, итлар ўзларининг асаб тизими тузилиши, хатти ҳаракатлари ва сеҳни билан бошқа ҳайвонлардан анча фарқ қилади ва инсонларнинг энг яқин дўсти сифатида қарашимиз ва уларга инсонлар томонидан ҳам меҳр ва ситқидилдан эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ. Шунда дунё юзида айрим йўқолиш хавфи бўлган ит зотларини сақлаб қолишга эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Макс Эмиль, Фредерик фон Штефаниц. “Олтин қоидалар”.
2. Степанов В. “Все о дрессировке собак” Масква, 2020 г.
3. Ф.Қаҳҳаров, Н.Морару ва бошқалар “Кинология асослари”.Ўслубий қўлланма. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2016.
4. К.Чистяков. «Воспитание и дрессировка служебной собаки».Санк-Петербург «Северо-Запад» 2005 г.
5. Дон Сильвия-Стасиевич ва Ларри Кей. Дрессировка без наказания.- Москва:Экмо, 2021.-352 с.
6. <https://kun.uz/news/2023/03/08/ozbekiston-qutqaruvchi-itlarining-turkiyadagi-xizmati-etirof-etildi>
7. <https://fazo.tv/olam/itlar-haqidagi-qiziqarli-malumotlar/>
8. <https://odam.uz/Qiziqarli/insonlarning-sodiq-dosti-bolmish-kuchuklar-haqida-24-fakt>.